

Расул ҲАМЗАТОВ**Таржимондан:**

Чўққилари осмон ўпган Кавказ тоғларининг бағрида бир ўлка бор. Уни Доғистон дейдилар. Дўппидеккина бу ўлкада қирққа яқин тилда сўзлашадиган бир миллион халқ яшайди. Расул ана шу халқнинг шоири, ана шу халқ шуҳратини бутун Иттифоққа, балки бутун дунёга таратган шоир.

“Доғистоним” шоирнинг биринчи насрий асари. Бунда у ўзи ҳақида, ўз халқи ва ўлкаси, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида, хуллас, замини ва замони ҳақидаги ўйларини ёзади.

Халқнинг адабиётини ўрганиш – унинг ўзини ўрганиш деб бежиз айтмайдилар. Икки халқнинг бир-бири билан яқинлиги адабиётларининг яқинлигида намоён бўлади. Ўзбек ва Доғистон халқлари ўртасида кўп яқинликлар бор. Ўтмишу бугунимиз, урф-одатларимиз, ҳатто тилимизда ўхшашликлар кўп. Шунинг учун Расул Ҳамзатовнинг сатрларини ўзбек китобхони ўз ёзувчисининг асаридек ўқиши мумкин.

Кулбамга кирмасанг, йўлчи, мабодо,

Сенга ғазаб қилсин тангри таоло.

Кирсангу мен улфат бўлмасам сенга

Тангри таолонинг ғазаби менга!

Эшикдаги ёзув.